

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2022-6/2

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2022

Бош муҳаррир:*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.***Бош муҳаррир ўринбосари:***Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.***Тахрир ҳайати:**

<i>Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.</i>	<i>Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.</i>	<i>Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.</i>
<i>Абдуллаев Рашид Бабажонович, тиб.ф.д., проф.</i>	<i>Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.</i>	<i>Сапарбаева Гуландам Машариповна, ф.ф.ф.д.</i>
<i>Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.</i>	<i>Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.</i>
<i>Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.</i>	<i>Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.</i>
<i>Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.</i>	<i>Сотипов Гойипназар, к/х.ф.д., проф.</i>
<i>Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.</i>	<i>Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик</i>
<i>Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.</i>	<i>Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.</i>
<i>Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., проф.</i>	<i>Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.</i>
<i>Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.</i>	<i>Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.</i>
<i>Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.</i>	<i>Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.</i>
<i>Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.</i>	<i>Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.</i>
<i>Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.</i>	<i>Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.</i>
<i>Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.</i>	<i>Ўразбоев Файрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.</i>
<i>Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.</i>	<i>Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.</i>
<i>Кутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.</i>	<i>Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.</i>
<i>Ламерс Жон, к/х.ф.д., проф.</i>	<i>Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.</i>
<i>Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.</i>	<i>Худайберганова Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д., проф.</i>
<i>Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.</i>	
<i>Пазиллов Абдуваеит, б.ф.д., проф.</i>	
<i>Рахимов Раҳим Атажонович, т.ф.д., проф.</i>	
<i>Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.</i>	
<i>Рўзиев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.</i>	

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№6/2 (90), Хоразм Маъмун академияси, 2022 й. – 210 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

МУНДАРИЖА
ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Abduvoxidova M.A., Abdvohidova G.A. Mehnat bozorida ish bilan bandlikning zamonaviy shakllari	5
G‘anibayev I.Sh. Avtomobil transporti korxonolari faoliyatini boshqarishda auditning zaruriyati va mohiyati	7
Ibrogimov Sh.X. Namangan viloyatida sanoat tarmog‘ini rivojlantirish tendensiyalari	9
Kurpayanidi K.I. Banking instruments in the system of institutional support for export activities of business entities	12
Mamasoliev G‘.M. Aholining samarali bandligini ta‘minlashda aholi ro‘yxati ma‘lumotlaridan foydalanish	14
Maxmudova N.J. Korxonalarda riskni boshqarishning ilmiy–nazariy jihatlarini	16
Mullayeva M.A., Khakimova S.I. The role of education in human capital development	19
Nasretdinova F. Nodavlat-notijorat tashkilotlarida ijtimoiy tadbirkorlikni rivojlantirishdagi asosiy to‘siqlar	22
Qurolova F.T. Importance and features of electronic trade development in the contribution to digital economy in Uzbekistan	26
Saidmamatov O. Sustainable ecotourism development in the Aral Sea region of Uzbekistan: TOWS analysis	28
Yuldasheva M.M. “Toshkent mintaqaviy temir yo‘l uzeli” unitar korxonasining iqtisodiy va moliyaviy ko‘rsatkichlari tahlili	30
Абдикаримова З. Давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг асосий шакллари ва моделлари	33
Авезова Ш.М. Применение бенчмаркинга в совершенствовании системы управления трудовыми ресурсами на предприятии	37
Алибекова С.Л., Шарифов Ш.С., Абдусаматов У.Ғ. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришда тиббий суғуртани хориж тажрибаси	41
Алимова М.Т., Мамаризоев Ж.И. Туризм соҳасида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш йўналишлари	45
Атамуратова Н.Б. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида рақамли иқтисодиётнинг моҳияти ва роли	48
Гадоев С.Ж. Тижорат банклари мижозларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашни такомиллаштириш	55
Жумаев Ж.Б. Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштириш: ютуқлар ва муаммолар	59
Жуманиёзов Р.П. Минтақада sanoat korxonalari raqobatbardoshligini diagnostika qilib uslubiyati va modellarini такомиллаштириш	62
Ибадуллаев Э.Б. Ёшлар ва болалар рекреацион туризм хизматларининг ривожланиш хусусиятлари	66
Искандаров Б.А. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда қурилиш махсулотлари корхоналарида персонални бошқаришнинг долзарб масалалари	68
Қалмуратов Б.С., Муратбаева А.Н., Режепмуратов Ш.М. Минтақада ижтимоий-иқтисодий томондан ривожланишида хизмат кўрсатишнинг ўрни	72
Мараимова У.И. Аҳолининг иш билан бандлигини самарали амалга ошириш йўллари	75
Мирзаев А.Т. Қурилиш соҳаси кластерларида логистик жараёнларни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	77
Насимов Д.А., Абдувоҳидова М.А. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда хотин-қизларнинг меҳнатини ташкил этишнинг инновацион шакллари	81
Насырова Л.А. Развитие цифровизации в образовательной сфере Узбекистана	85
Пирекеев Ж.Х. Кичик бизнес ва тadbirkorlikni shakllanishi va rivojlanishining ob‘ektiv zarurligi	87
Ражаббоев И. Воспитачилик тadbirkorligining ўзига хос таснифий хусусиятлари	91
Режапов Х.Х. Ўзбекистонда олий таълим хизматларини ривожлантириш йўналишлари	95
Хакимов А.А. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий тараққиёт ва уни қўллаб-қувватлаш борасида тadbirlar йўналишлари	98
Хакимова Ш.С. Ўзбекистонда электроэнергетика sanoati rivojida gidroenergetikaning ўрни	100
Ҳаққулов Ф.Ф. Мамлакатимизда таълим хизматлари ва меҳнат бозори интеграцияси асосида кадрлар тайёрлашни бошқариш муаммолари ва ечимлари	103
Ҳусанбоев С.Ё. Агротуризм фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари	106
Шарифов Ш.С., Абдурахимов У.М. Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг назарий асослари	110
Юлдашева Н.А. Инновацион фаолиятни бошқариш асосида sanoat korxonalarining barqaror rivojlanish strategiyasini shakllantirish masalalari	113

Юсупова Ж.К. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида инновацион бошқаришнинг ташкилий-механизмларининг назарий жиҳатлари	116
ТАРИХ ФАНЛАРИ	
Boltayev B.B. Mustaqillik yillarida Buxoro viloyatidagi muassasa muzeylarining vujudga kelishi va rivojlanish tendensiyasi	120
Do'stov A. O'rta Osiyoda o'lchovshunoslik ilmining tarixiy taraqqiyoti	122
Nayitov Sh.A., Arziqulov J.X. Turkistonda quritilgan mevalar ko'rgazmasi va olovli meva quritgich(sushilkalar)lar xususida (XIX asr oxiri XX asr boshlari)	124
Khaydarov Z.U., Rustamaliyev M.H. "Views on the muslim" renaissance and steps for the third renaissance	125
Teshayev A. Gelmot Kol: Germaniya birlashuvidagi metin iroda	129
Toshov K.T. Surxon vohasiga ikkinchi jahon urushi yillarida sanoat korxonalari va aholini evakuatsiya qilinishi	130
Utayeva F.X. To'qimachilik sanoatini malakali mutaxassislar bilan ta'minlash	133
Xasanova N.I., Bozrov Q.D., Uralova A.D. Buxoro xonligi va Boburiylar sulolasi diplomatiyasi	135
Абдиримов Б.М. Мўғулларга асир тушган Жалололдин Мангубердининг Қизи - Туркон тақдири	137
Азаматова Г.Б. Ташки мехнат миграцияси агентлигининг ўзбекистон республикасида самарали миграция сиёсатини юритишдаги ўрни ва аҳамияти	140
Аминов Х.Б. Қуйи Амударё минтақасида сайёҳлик истикболлари	142
Анёзов Р.Б. Хоразм савдо марказларининг марказий осий савдо тизимида тутган ўрни	144
Аширов В.И. Мустақиллик йилларида Навоий вилоятининг дипломатик алоқалари	146
Бабажанов С.Б. Жамоатчилик назорати тизимини юзага келтирувчи омиллар	148
Камалова З.А. Великий шёлковый путь в эпоху древности	151
Комолов Д.П. Ўзбекистон Республикаси суд тизимида амалга оширилган туб ўзгаришлар	153
Қобилов Н.С. "Сахиҳу Бухорий"нинг ёзилиш тарихи ва услуби	159
Қудратов Ш.Ё. Бухоро амирлиги тасарруфидagi бозорларнинг савдо сотиқдаги ўрни ва роли	161
Мадалимов Т.А. "Ригведа" да рух тушунчаси ва унинг таснифи	163
Мамиров О. Уструшонанинг зооморф топинчлари	166
Маткаримова Н.М., Хайруллаева Д.А. Хоразм ўзбеклари оилавий маросимлари мавзусининг XX аср тарихий тадқиқотларида акс этиши	169
Мингноров А.Т. Ер-сув ислохотининг даврий матбуотда ёритилиши	171
Мирсоатова С.Т. Сазағон маданияти, унинг ўрганилиши ва тарихшунослиги масалалари	173
Пирниязова Т.О. Қорақалпоғистонда илм-фан ва маданият соҳасининг ривожланиши	175
Рахимов К.А. Марғиёнанинг бронза давридаги хонани иситиш қурилма ва воситаларини ўрганилиши ва улар билан боғлиқ муаммолар	178
Рахманова Ю. XX аср бошларида Хива ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари	183
Розимова Ё.Ю. Хорижий мамлакатлардаги ҳарбий таълим тизимининг қиёсий таҳлили	185
Савриев Ж.Ф. Навоий вилоятидаги тарихий ёдгорликларнинг аҳамияти ва таъмирланишининг асосий йўналишлари	187
Сатимов Б.М. Оролбўйида ҳарбий ишнинг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари	189
Саттаров А. Фарғона водийси аҳолисини янги ўзлаштирилган ерларга кўчирилишида кадрлар масаласи ва унинг ҳал этилиши	192
Султанова Г.О. Анъанавий Хива ёғоч ўймакорлиги санъати	193
Таниқулов Ж.А. Замонавий дунёда – жамоатчилик фикрини шакллантирувчи медиа ахборот эволюцияси	197
Туребеков М.Т., Алимбетов А.К. Гавр Қалъа ёдгорлиги турар жойлари	201
Турекеев Қ.Ж. Қорақалпоқларда чақалоқ туғилиши ва парваришига оид урф-одатларда мажик тасаввурлар	204
Яқубова Д.Т. Сурхон воҳасида 1946-1970 йилларда пахта яккахоқимлиги сиёсатининг амалга оширилиши ва унинг натижалари	207

Имом Бухорий Пайғабаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳадиси муборақларини санади муттасил⁵ ва ровийлари ишончли бўлганларини танлаб олиб, китоб шаклига келтирди. Шундан сўнг ҳадисшунослик соҳасида саҳиҳ ҳадисларни ажратиб, тўплам ҳолига келтирила бошланди. Муборак ибн Аҳмаддан ривоят қилинади: “Имом Бухорийнинг ҳадис ривоят қилишдаги шарт – санадининг саҳиҳлигига ихтилоф қилинмаган, ишончли ровийлардан ривоят қилинган, ҳадис санади ихтилофсиз ҳолда саҳобаи киромларга муттасил боғланган бўлса, у ҳадиснинг санади муттасил деб эътироф этган” [1:7].

Шунингдек Имом Бухорий наздида ҳадис санадидаги табақаларда ровийларнинг оз бўлиши ҳам ҳадиснинг саҳиҳлигига далolat қилган. Масалан; агар санаддаги тобеъинлар табақасида икки ровий бўлса, у ҳолда ҳадис “ҳасан – ривоят қилиниш услуби чиройли” мартабасида бўлган, агар бу табақада бир ровий келтирилган бўлса, у ҳадисни “саҳиҳ” деб эътироф этган. Имом Бухорийнинг бундай йўл тутишининг ўзига хос сабаблари мавжуддир, чунки ҳадис қанчалик кўп ровийдан ўтиб муҳаддисга етиб келса, унинг ибораларидаги хато ва адашишлар шунчалик кўп бўлиш эҳтимоли мавжуддир. Шунингдек, Имом Бухорий ҳадис соҳасида “ҳаддасано – бизга ҳадис айтди” иборасини ва унинг ўрнига қoим бўладиган бошқа ибораларни ҳамда “ан-ан – фалончи фалончидан, у эса фалончидан ҳадис айтди” иборасини ҳам истилоҳий маънода қўллаганки, бу санаддаги ровийларнинг даражасига ҳам далolat қилади. Жумладан, Имом Бухорий “ал-Жомий ас-саҳиҳ”ни таълиф этишда ҳадисларни бобларга тасниф қилиб, уларни фикҳий масалаларга мувофиқ тартиб билан келтирган, бу ҳам ўқувчига китобдан истифода қилишни енгиллаштиради. Ҳар бир китобнинг ва бобларнинг аввалида оят ва шарҳларнинг келтирилиши ҳам ўзига хос бир услуб бўлиб, бу ўқувчининг фикр доирасини кенгайтиришга имкон беради. Шунингдек, Имом Бухорий ҳазратлари мазкур ҳадис тўпламини “Ваҳийнинг бошланиши” китобидан бошлаб “Тавҳид” китоби билан якунлашганини ҳам бир ҳикмати бўлиб, ўқиш жарёнида эътиборли китобхон бу билан Имом Бухорий ҳазратларининг нимага ишора қилаётганини теран пайкаб олади.

“Саҳиҳу-л-Бухорий” ҳадислар тўплами 97 китоб ва 3881 бобдан иборат бўлиб [4:670.], ундаги барча ҳадислар сони, тақрорийлари билан қўшиб ҳисоблаганда 7563тадир [4:670]. Китобнинг хошиясидаги муаллақ ҳадислар⁶ 1391та, бирор ҳадисга тобеъ бўлиб келган ҳадислар 344та ва бу китобдаги барча ҳадислар адади 9082 тага етади [2:36.] Имом Бухорий ҳазратлари бу ҳадисларни олти юз минг ҳадис орасидан энг-энг саҳиҳларини ажратиб олганлигини ҳисобга олсак, бу китобнинг яна бир бекиёс қиймати кўз олдимизда яққол намоён бўлади. Агар ҳадисларни ҳар бирини олдин ғусл қилиб, икки ракаат намоз ўқигандан кейин ўз тўпламига киритганлигини ҳам ёдга олсак, бу қиймат янада равшанроқ кўринади. Бу ҳақда Имом Фирабийдан шундай ривоят қилинади: Имом Бухорийнинг: “Мана бу “ас-Саҳиҳ” китобимга ҳар бир ҳадисни ғусл қилиб, икки ракаат намоз ўқиганимдан кейингина киритдим”, деб айтаётганини эшитганман [1:5].

Биз “Саҳиҳул Бухорий” ҳақида фақат ўз билимимиз доирасида фикр юритдик холос. Бу асарнинг ўрганилмаган қирралари, ҳикматлари қанчалик кўп мутолаа қилинса, шунчалик кўп намоён бўлаверади. Имом Бухорий ҳазратларининг илмий маънавий меросининг гултожи бўлган бу шоҳ асарни ўрганиб, илмий тадқиқ этишга ва кенг оммага етказишга юртимизда кенг эътибор берилмоқда. Жумладан, шу яқин йилларнинг ўзидаёқ шайх Абдулазиз Мансур таҳририда 2008 йилги ўзбек тилидаги “Саҳиҳи Бухорий”нинг таржимаси, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ва у зотнинг шоғирдлари томонидан таржима ва изоҳлар ёзилган “Олтин силсила, Саҳиҳул Бухорий” асарларини нашр этилиб кенг жамоатчилик эътиборига тақдим этилиши, шунингдек, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида Имом Бухорийнинг илмий меросини кенг тадқиқ этилиши ҳам фикримизнинг далилидир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Асқалоний. “Фатҳул Борий”. Муқаддима. Қоҳира. 1880й. Б.5.; Дорул маърифат. Байрут 1379 (1960).
2. Шамсиддинхон ибн Зиёвиддинхон ибн Эшон Бобоҳон. “Сиҳохус ситта”.
3. Абдусалом ал-Муборақфурий. “Имом Бухорий”. ТИУ нашриёти. Т-2008.
4. “Ал-Кутуб-с-ситта”. Дору-с-салом. Риёз 2000й.
5. Муҳаммад ибн Абдулқарим. Ривоят ва нусах ал-Жомий ас-саҳиҳ. Макка 2006.

УЎК 93/94

БУХОРО АМИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ БОЗОРЛАРНИНГ САВДО СОТИҚДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ

Ш.Ё. Қудратов, катта ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада XIX аср охири - XX аср бошларида шарқ мамлакатлари орасида Бухоро амрлиги тижоратнинг муҳим маркази сифатида маиҳур бўлганлиги, дунё давлатларида ишлаб чиқарилган турли хилдаги моллар билан тўлиб тошган маҳобатли бозорлари тўғрисида маълумотлар берилган.

Калим сўзлар: Бозор, тижорат, савдо, савдогар, тоқ, тим, гумбаз, раста, қорақўл тери савдоси, ташиқи савдо, товар, бож.

⁵ Санади муттасил узлуксиз боғланган санад.

⁶ Изоҳ сифатида келтирилган санадсиз ҳадислар.

Аннотация. В данной статье представлены сведения популярности Бухарского эмирата в качестве важнейшего центра торговли среды стран Востока в конце – XIX и начале XX вв., изобилия величественных рынков различными товарами произведенных в странах мира.

Ключевые слова: рынок, торговля, коммерция, коммерсант, купол, тим, торговый ряд, каракулевой шкурой, внешняя торговля, товар, пошлина

Abstract. The following article provides information about the popularity of the Emirate of Bukhara as the most important center of trade among the countries of the East in the late 19th and early 20th centuries, the abundance of majestic markets for various goods produced in the countries of the world.

Keywords: market, trade, commerce, merchant, dome, tim, stall, karakul skin trade, foreign trade, commodity, duties.

Бухоро ўзининг савдо ва турли мамлакатлар савдогарларининг учрашув жойи бўлган бозорлари билан машхур бўлган. Бозорлар ва савдо расталари маҳсулотлар турларига кўра Лабиховуздан қадимий шаҳарнинг марказий майдони Регистонгача чўзилган эди. Бухоро бозорлари ўзининг маҳобати билан машхур бўлиб, бу XX аср бошидаги саёхатчилар томонидан қайд этиб ўтилган.

Бозорлар савдо қаторлари бинолар, тим ва тоқлардан, яъни ўзида маълум бир товарни сотиш ишлари амалга оширилган майдонлардан ташкил топган. Улардан асосийлари Тоқи Заргарон (заргарлар тоқи) Тоқи Телпақфурушон (бош кийимлар сотилади) Тоқи Саррофон (пул айирбошловчилар маркази) бўлиб улар кўчалар билан бирлаштирилган. Уларда дўконлар зич жойлашган эди. Тоқи Саррофондаги кўчалардан бирида 150 тагача дўкон бор эди. Шаҳарнинг марказида 26 та раста мавжуд эди. Тахтаминора ҳудудида 13 та, калапўш бозори ҳудудида 47 та дўкон мавжуд бўлган. Расталарнинг кўпчилиги ёпиқ эди. Бухоронинг иккинчи йирик савдо маркази Регистон майдони бўлиб, унда озиқ-овқат маҳсулотлари сотилган. Шаҳарда савдогарлар яшайдиган жойларда кўплаб бозорлар мавжуд эди. Саллоҳхона дарвозаси яқинидаги Арабон гузариди қорақўл савдоси билан шуғулланишган. Ҳудуд қорақўл бозорига айланган [1]. Алоҳида савдо иншоотлари (тим) лар ҳам қизғин савдо марказлари эди. Улардан энг йириги Тими Абдуллоҳон бўлган. Бу кўплаб гумбазларга эга бўлган тўғри бурчакли иншоотнинг деворлари бўйлаб 100 тагача дўкон мавжуд эди. Тими Абдуллоҳонда парча бахмал ипак фабрика буюмлари билан савдо қилинган.

Шаҳар марказидаги йирик бозорлардан ташқари бозорлардан ташқари Бухорода кўплаб кичик бозорлар ҳам бор эди. Улар Гавкушон мадрасасида (бозори Хўжа) Ғозиён Пахтабон ва Жўйбордаги Ҳавзи навда хиёбонда Шергирон дарвозасидан узоқ бўлмаган Ҳавзи баланд Мирдўстим гузариди бозори нав Ҳавзи лесакда парранда савдоси бозори (товуқ, кабутар, каклик, бедана) жойлашган. Кичкина бозорлар шаҳар дарвозалари ёнида шаҳардан ташқарида ва ичкарасида жойлашган. Шаҳар ичида 50 та шаҳар ташқарисида 22 та бозор мавжуд эди. Шаҳарнинг ташқи савдо бўйича йиллик товар айланмаси 35-40 миллион метал рублни ташкил этган [2]. Бозорлар ҳақидаги қизиқ маълумотларни Бухорога 1863 йилда келган Армани Вамбери келтирган. Саёхатчининг диққатини савдогарлар ва харидорларнинг ранг-баранг этник таркиби жалб қилган. У қайд этадики, Бухоро бозорлари хорижлик учун ирқлар кийимлар ва ахлоқнинг турли-туманлиги билан танилиб, бу томонини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди бухороликлар, хиваликлар, кўконликлар, кирғизлар, қипчоқлар, туркманлар, ҳиндлар, яҳудий ва афғонларнинг ранг-баранг аралашуви барча асосий бозорларда мавжуддир. Бухорода кўп сонли афғон ва Эрон савдогарлари яшаганлиги қайд этилади. Шаҳарда 900 дан зиёд ҳиндистонлик мавжуд бўлган.

А.Вамбери маҳаллий товарларга эътиборини қаратиб хорижлик учун Бухоро бозорида шу нарса қизиқки, у ерда маҳаллий саноат томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар: пахта, матодан қилинган икки йўллик алача деб аталадиган мато, ўргимчак тўрини эслатувчи майин ипак рўмолдан тортиб, оғир адрасгача ва шунингдек, теридан қилинадиган буюмлар бу ерда асосий ролни ўйнайди.

Шарқ аҳолиси ўзининг оригиналигини намойиш қилишда чах-чух қилишни, яъни кийимнинг чакнашини намойиш қилишни яхши кўради ва менга харидорнинг, яъни чопонини кўз-кўз қилиш учун у ёқдан-бу ёққа юришини кўриш ҳузур бағишлаган эди. Барча бу каби маҳаллий саноат маҳсулотлари жуда арзон бўлган [3].

Бухорода бозорлар бир неча турларга бўлиниб, улар шаҳар иқтисодий ҳаётининг маркази вазифасини ўтаган. Шаҳарда савдо-сотикқа ихтисослашган турли-туман моллар сотиладиган алоҳида бозорларнинг йўлга қўйилганлиги савдо маданиятининг анча юксак бўлганлигидан нишондир.

Бозорлар кеча-кундуз давомида ишлаган. Булар эрталаб (Чорсу) ва кечқурун (Регистон) бозорлари гавжум бўларди. Чорсу, Чаҳорсу [4] номлари билан мажхур бўлган бозорлар одатда тўрт йўл кесишган ерларда бунёд этилиб, усти гумбаз билан қопланган ва шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Бухоро амирлигидаги машхур Чорсу, асосан Тоқи Заргарон, Тоқи Телпақфурушон, Тоқи Саррофон каби савдо расталарини бир-бири билан бирлаштириб турган. Бозорларнинг шарқона ўзига хос томони шундаки, савдо-сотик ишларининг иссиқ ва совуқдан ҳимоя этилган, ёпиқ тоқ ва тимларда амалга оширилганлигидир. Йирик ва машхур тимлардан бири Абдуллоҳон тими бўлиб, унда жами 100 дан ортиқ ёғочдан қурилган дўконлар фаолият кўрсатарди. Тимларда асосан зарбоф, бахмал, шойидан тайёрланган маҳсулотлар, тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари сотилган. Телпақдўзлик Бухорода энг тарқалган касблардан бири бўлиб, бозорларда алоҳида телпақфурушлар расталари (тоқи телпақфурушон) бўлган.

XX аср бошларидаги Бухоро ҳаётини чуқур ўрганган шарқшунос А.А.Семёнов, маҳаллий бозор расталарининг бойлиги ҳамда ранг-баранглиги, шарқ ғарбда ишлаб чиқилган молларни сотиб олиш

имкониятининг кенглиги ҳақида қуйидагича гувоҳлик беради. Бухоро бозорида Швейцариядан келтирилган қуйилтирилган сут, Германиядан концентрат ҳолда келтирилган Либиҳ қуруқ шўрваси, Шанхайнинг қуруқ занжабил мураббоси, Бирма пойтахти Рангундан олиб келинган хушбўй шамлар, Ҳиндистондан келтирилган зардўзлик рўмолларини, Мексиканинг қумуш долларлари, Туркиянинг олтин лираси, инглиз фунт стерлингини бемалол харид қилса бўларди [5].

Бухоро бозорларининг яна бир тури от бозорларидир. От сотиладиган бозор ўша даврларда 2 та бўлган. Бири шаҳар ичида, Регистон яқинида бўлган. Бу жойда савдо ҳар ҳафтада 3 кун, шанда, душанба, ва сешанба кунлари олиб борилган. Иккинчи от бозори Бахоуддин мазори яқинида бўлиб, бу ерда савдо чоршанба кунлари ўтказилган. Манбаларда, Бухорода отларнинг нархи юқори бўлганлиги қайд қилинади. Бир от 10 тилло (олтин танга) 15 тиллодан харид қилинган. Асл зотли отларни бозорга чиқарманганлар. Уларни воситачилар орқали савдогарлар ҳовлилардан танлаб олганлар. Бундай мумтоз отлар нархи 100-150 тиллога етган. XX аср охирида Бухоро шаҳрида 50 та га яқин ёпиқ бозорлар бўлиб, ҳар бир бозорда ўзига хос маҳсулот сотилган. Жумладан, 3 та дон бозори, 1 та балиқ бозори, 1 та ун, 1 та туз, 3 та қўмир, 1 та метал буюмлар сотиладиган бозор, 2 та тиббиётда қўлланиладиган доривор ўсимликлар сотиладиган бозор, 2 та полиз маҳсулотлари, 2 та мева ва бошқа бозорлар шулар жумласидандир [6].

Шаҳарда савдогарлар яшайдиган маҳаллалар ҳам кичик бозорларга айланган. Масалан, Арабон маҳалласида яшаган йирик савдогар Салимоҳун қорақўл тери сотиш билан шуғулланган. Натияжада, бу маҳалла қорақўл тери савдоси билан шуғулланадиган марказга айланган. Бухоро шаҳри дарвозалари яқинида ҳам бозорлар мавжуд бўлган [7]. Хусусан, Самарқанд дарвозаси яқинидаги гавжум бозорда асосан нон ва гўшт маҳсулотлари, саноат усулида тўқилган матолар ва бўёқлар ҳамда хўжалик буюмлари билан улгуржи савдо қилишган. Бухоро атрофидаги бозорлар савдогарлар ва харидорлар манфаатидан келиб чиқиб, белгиланган ҳафта кунларига қараб ишлаган. Масалан, душанба куни Гиждувон, Вардонзе, Ҳазрати Мир Кулол, Галоосиё бозорлари ишлаган бўлса, сешанба куни Когон бозори, чоршанба куни Мозори Бахоуддин. Хайрбот бозорлари, пайшанба куни Қумушкент, Бўстон, Қумбозор, якшанбада эса Ромитан, Вобкент бозорлари фаолият олиб борган.

XIX асрда Ғузур бозори чорва молларини сотиш ва сотиб олишда энг катта бозор ҳисобланган. Бухоро амирлигининг шимолий қисмидаги бозорларда кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорва молларининг нархлари жанубий қисмига нисбатан фарқ қилган. Жанубдан бозорларга Хива, Россия, Афғонистон, Ҳиндистондан кўпроқ маҳсулот олиб келинган. Шимолий қисмидаги бозорларга эса четдан келтирилган маҳсулотлар анча кам олиб борилган.

Бухоро амирлиги ҳудудидаги бозорларнинг иқтисодий аҳамиятига эътибор қаратар эканмиз, амирлик пойтахтда шундай бир турдаги бозор бўлганлигига, унинг маънавий кадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмаслигига гувоҳ бўламиз. XX асрнинг 80-90 йилларида деб ёзган эди қадимшунос олим Вяткин, Бухорода Ўрта Осиёдаги энг йирик бой ва муҳим китоб бозори бўлган. Бу ерда мусулмон адабиётлари, китоб, қўлёзма манбаалар араб, форс ва туркий тилларда бўлиб улар орсидида кимматбаҳо ва ноёб китоблар қўб бўлган. Самарқанд, Қўқон, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарлардаги китоб бозорлари Бухороникидай бой эмас эди [8]. Бухоро шаҳридаги Абдуллоҳон тимида жойлашган китоб бозорида 25-30 та киши савдо қилган. Китоб ва қўлёзма манбалар маҳаллий, рус ва бошқа мавжуд мамлакатлар қоғозларида, турли рангларда ёзилган. Китобфурушларнинг ҳар бирида 20-30 тадан қўлёзма китоблар мавжуд бўлган. Китобфурушлар, қўлёзмаларни масжид, мадрасалар ва бадавлат кишиларга сотганлар. Манбаларда қайд қилинишича Ғузур беги янги қурилган мадраса кутубхонаси учун Бухоро китоб бозоридан умумий қиймати 75000 тангадан иборат ҳар хил китоблар сотиб олган.

Хулоса қилиб айтганда Бухоро амирлигининг иқтисодий ҳаётида бозорлар муҳим ўрин эгаллаб, амирликдаги савдо-сотик мунособатларини ривожлантиришда катта хизмат қилган.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Истории Бухары с древнейших времен до наших дней. Ташкент, 1976 с-168.
2. Зияева Д.Х. Трансформация традиционной городской экономики Бухары в конце XIX начале XX вв // Центральная Азия. Человек-Общество-Государство. Москва. 2013 –С.227.
3. Зияева Д.Х. Трансформация традиционной городской экономики Бухары в конце XIX начале XX вв // Центральная Азия. Человек-Общество-Государство. Москва. 2013 –С.228.
4. Рашидов У. XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги сиёсий ва иқтисодий жараёнлар. Бухоро 2011.-Б.19.
5. Қосимов Ф. Халқаро мунособатлар тизимида Бухоро давлатининг ўрни (1900-1924). Бухоро, 2004. №2. –Б.5-6.
6. Амонова Ф. Бухоро амирлиги иқтисодиётига тарихий назар.-Тошкент, 2013. –Б.32.
7. Сухарева.О.А. Бухара XIX-начало XX вв М.1966.-С.48.
8. Туркестанский ведомости. 1897. №61.

УЎК:131.336(540)

“РИГВЕДА” ДА РУҲ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАСНИФИ

Т.А. Мадалимов, таянч докторант, Тошкент давлат транспорт университети, Тошкент

Аннотация. Мақолада Қадимги Ҳиндистонда асосий ведалардан бўлмиш Ригведада Рух тушунчасининг мазмун моҳияти келтирилиб ўтилган.

Калит сўзлар: рух, веда, монизм, мифология

Аннотация. В статье рассматривается сущность понятия Духа в Ригведе, одной из главных Вед Древней Индии.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

**№6/2 (90)
2022 й., июнь**

Ўзбекча матн муҳаррири:
Русча матн муҳаррири:
Инглизча матн муҳаррири:
Мусаххих:
Техник муҳаррир:

Рўзметов Дилшод
Ҳасанов Шодлик
Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Ўрозбоев Абдулла
Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 06.06.2022
Босишга рухсат этилди: 14.06.2022.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 13,25 б.т. Бюджет: № 6-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 226-20-28
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18